

ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ БИР БЎЛАГИ

2-сон *Фаргонада Али ибн Сино номидаги
Жамоат Саломатлиги техникуми
Усмоналиева Дилором Бахтиеровна*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий иктисодий ва мафкуравий ислоҳатлар туфайли узбек оиласида туб узгаришлар содир булмокда . Хозирги кунда маънавий бой ахлоқан етук ителектуал салоҳиятли юқори билимли юксак маънавиятли, жисмонан бакувват ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришда оиланинг роли алоҳида ахамиятга эга .

Мухтарам Президентимиз айтганлариdek жамиятда оиланинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтириш ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери , табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва курашлар яхшилик ва эзгулик , олижаноблик ва меҳр оқибат ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табийидир. Ёшлар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаш, миллатлар аро ахилликни ижтимоий қатламлар манфаатларнинг мувозанатни таъминлашда сиёсий кучларнинг бирлиги катта ютуқ бўлади. Хозирги жамиятда аёл бир сўз билан айтганда оила билан ишни тенг олиб борадиган билимдан бўлмоғи керак. Авлоднинг соғлом бўлишига ҳамма замонларда ҳам катта эътибор билан қараб келинган. Бизнинг даврда бу масалага янада жиддийроқ ёндошилмокда. Юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдеквазифани бажаришда , ёшларни маънавий дунёсини шакллантиришда етук шахс, малакали мутахасис ватанпарвар жамият тараққиётига лоқайдлик билан қарамайдиган янги жамият бунёдкорини тарбиялашда оила ва махалла маънавий ахлоқий тарбия марказидир. киши маънавиятини шакллантиришда оила биринчи ўринда туради. Ҳар бир инсон оилада туғилади , Балофатга етади, шахс бўлиб шаклланади, сунги манзилга ҳам оиласи ва яқинлари кузатиб қолади. Шундай экан , оилада қарор топган анъана ва муносабатлардан иборат қадриятлар тизими киши маънавиятини шакллантиришда катта аҳамиятга молик бўлган омилдир. Маънавият энг аввало оилада шаклланади . Оилада дунёга келган фарзандни тарбиялаш аслида миллат ва ҳалқни яратиш, юрт ва Ватан истиқболини таъминлаш билан тенгdir. Оиланинг жамиятдаги вазифаси фақат ахолининг табий ўсишини таъминлашдан иборат эмас. Балки оилада дунёга келган фарзандни вояга етказиш уни шахс қилиб тарбиялаш жамият давлат ва эл – юрт учун унинг бирор

бир ишга ярайдиган етук инсон қилиб тарбиялаш иши учун ҳам маъсулдир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини боқиш билан бирга унда ҳалқ ва мамлакат мафаатларига мос бўлган , юрт тараққиёти ва ривожи учун хизмат қиласидиган, қадриятлар туғилишининг мазмун-моҳиятини чуқур англай оладиган , уларни асрар ва бойитиш учун маъсул эканлигини англаш билан боғлиқ бўлгарини инсоний фазилатларини шакллантириш учун интилиш зарур. Дархақиқат маънавият ва оила бир-бири билан узвий боғланган. Шунинг учун миллат ва юрт тароққиёти фидойилари. Ҳамма даврларда ушбу боғлиқни хеч качон унутмасликка ундангандар. Маънавият уочи бўлган оиланинг соғлом ва мустахкам бўлиши учун курашганлар. Ушбу долзарб вазифага ҳар бир кишининг инсоний бурчи деб қараганлар .

Соғлом жамият, соғлом оила негизида қарор топади. Соғлом ахлоқли, рухий етук маънавиятли маърифатли ёшларсиз келажаги буюк давлатни барпо етишни тасаввур қилиш қийин. Бундай баркамол оилада шаклланади. Оилани асраб- авайлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи. Ана шу бурчни хис этган холда мактабдан коллеж, олий ўқув юритигача бўлган жараёнда соғлом авлоднинг тўғри тарбиялай олсак ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришамиз

Адабиётлар

1. Ш Содикова “Мактабгача педагогика ”
2. С.Отамуродов. Габаллашув ва Миллат